

Ўзбекистон Президенти "Лукойл" компанияси раҳбарини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июнь куні мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Россиянинг нефть-газ соҳасидаги ушбу компанияси билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Жаҳоннинг етакчи нефть-газ корпорацияларидан бири бўлган "Лукойл" мамлакатимизда истиқболли конларни қидириш ва ўзлаштириш, углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни ички ва ташқи бозорларга сотиш каби қатор йирик инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Айни пайтда Устюрт блокини геологик ўрганиш ва Жануби-ғарбий Ҳисор нефть-газконденсат конини ўзлаштириш ишлари ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Қандим конлар гуруҳини тартибга келтириш ва газни қайта ишлайдиган замонавий мажмуани барпо этиш ишлари бажарилмоқда. Мазкур завод яқин истиқболда йилига 8 миллиард куб метрдан зиёд табиий газни қайта ишлаб, харидоргир газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради.



Бундан ташқари "Ўавзак" ва "Шоди" конлари ўзлаштирилмоқда, Қўнғирот участкасида геология-қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда "Лукойл" компанияси томонидан мамлакатимиз нефть-газ соҳасидаги қўшма лойиҳаларга жалб этилган инвестициялар ҳажми 6,3 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда узок муддатли ҳамкорликнинг амалдаги лойиҳаларини амалга ошириш ва истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Қазиб олиндиған табиий газни чуқур қайта ишлашга доир янги лойиҳалар, шунингдек, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Вағит Алекперов Президентимиз Шавкат Мирзиёевга қабул ва Ўзбекистонда "Лукойл" компанияси лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани учун самимий миннатдорлик изҳор этди, нефть-газ соҳасида кенг қўламли ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

[ЎЗА](#)